

Эсимда бор, гимназиянинг бешинчи ёки олтинчи синфида ўкиб юрган кезларимда Дон областидаги Большая Крепка кишлогидан бобом билан бирга Ростов-Донга кетаётган эдим. Август ойининг жазирама, тинка-мадорни куритувчи дикки нафас кунларида бири эди. Кун кизигидан, курук ва иссик гармселдан ҳамда каршидан уриб турган чанг-тўзондан кўз очиб бўлмас, томок какрарди; ён-верингга карагинг ҳам, гапиргинг ҳам, ўйлагинг ҳам келмасди; шунинг учун ҳам, мудраб бораётган украин аравакаш Карпо отларга «чу» деб камчи ўйнатган пайтда камчиси фуражкамга тегиб кетганда ҳам норозилик билдирмадим, мик этмадим, факат мудрашдан кўзимни очиб, чанг-тўзон орасида кишлок кўринмасмикан? деб олисларга маъюслик билан карардим. Отларга ем бериб олиш учун Бахчи-Салах деган бир катта арман кишлогида, бобомнинг бой арман ошнасиникида тўхтадик. Мен умримда бу армандан кўра беўхшов галати одамни кўрмаганман. Шундай бир одамни ўзингиз тасаввур килинг, сочи киртишлаб олинган кичкина бош, калин, узун кошлари пастга осилиб тушган, тўти бурун, оппок узун мўйлов, катта огзида гилос ёгочидан килинган узун трубка чўччайган; мана шу бош, ажиб бир кийим билан ўралган котма, букчайган танага фаросатсизлик билан ёпиштирилган; бу одам эгнига калта кизил камзил, кўк кенг чалвор кийган; бу жусса оёқларини кериб, туфлиларини шакирлатиб юрарди, гапирганда ҳам огзидаги трубкасини олмас, ўзини гирт арманча киёфада тутарди: тишининг оқини кўрсатмас, кўзларини ола-кула килиб караб ва мехмонларига мумкин кадар камрок эътибор беришга уринарди.

Арманнинг уйида шамол ҳам, чанг ҳам йўқ эди-ю, лекин уйи худди чўлдаги, йўлдаги сингари бефайз, дим ва зерикарли эди. Ёдимда бор, чанг босиб ва жазирамадан мадорим куриб, бурчакдаги кўк сандикда ўтирар эдим. Бўялмаган тахта деворлар, уй анжомлари ва оҳра сурилган поллардан офтобда ковжираган курук ёгоч иси келиб турарди. Каёкка карасанг, гув-гув пашша... Бобом билан арман пичирлашиб, нукул мол бокиш, яйлов ва кўйлар тўгрисида гапиришарди... Мен самовар кайнагунча бир соат ўтишини, бобом камида бир соат чой ичишини, кейин икки соатча ухлашини, менинг чорак куним кутиш билан ўтишини, ундан кейин яна жазирама офтоб, чанг ва йўл азоби бошланишини билар эдим. Мен икки одамнинг гўнгир-гўнгир гаплашини эшитиб тураман, кейин шу арман, идиш-товок турган шкаф, пашшалар, кун кизиги уриб турган деразалар узок вақтдан бери кўз олдимда тургандай ва улар хали-вери кўз ўнгимдан йўқолмайдигандай туйилар, шундан кейин чўл, куёш, пашшага нафрат билан карайман... Рўмол ўраган бир украин аёл патнисда идишларни, кейин самовар олиб кирди. Арман секин кимирлаб дахлизга чикиб чакирди:

— Машя! Бу ёкка кел, чой куй! Каёкдасан? Машя!

Шошиб-пишиб келаётган оёк товуши эшитилди ва уйга ёши ўн олтиларга борган бир киз кириб келди; унинг эгнида оддий чит кўйлак, бошида оқ дурра бор эди. Киз идишларни ювиб, чой куйиб, менга оркасини ўгириб тураркан, бели хипча, оёкяланг эканини пайкадим; товончаларини узун лозим беркитиб турарди.

Хўжайин мени чойга таклиф килди. Стол ёнига келиб ўтираётиб, менга стакан узатаётган кизнинг юзига назар ташлашим билан калбимда тўсатдан худди шамол туриб, кундузги бутун таассуротлар, зерикишлар, чанг-тўзонларни учуриб кетгандай бўлди.

Мен бу кизнинг чехрасида умримда ва тушумда кўрган гўзалларнинг энг жозибали белгиларини кўрдим. Кўз ўнгимда чакмоқдай яркираб бир гўзал турар эди.

Мен Машанинг, ёки отасининг тили билан айтганда Машянинг хакикий гўзал эканини

тасдиклаш учун касам ичишга тайёрман, аммо буни исбот килолмайман. Баъзан шундай бўлади: булут уфқда бетартиб уймалашади ва унинг орқасига яширинган кўёш булутларни ҳам, осмонни ҳам турли-туман рангга бўяйди: осмонда кизил, тўқ сарик, олтинсимон, бинафша, хира пушти ранглар хосил килади; булутларнинг бири монахга, иккинчиси баликка, учунчиси эса саллали туркка ўхшайди. Шафак хавонинг учдан бир кисмини коплайди, черков гумбазлари ва бойларнинг дераза ойнасида яркирайди, дарё ва кўлмак сувларда акс этади, дарахтлар учида жимирлайди; бир гала ёввойи ўрдак жуда олисда, шафак кўйнида, ётгани аллакаёқларга учиб кетади... Сигирларни хайдаб кетаётган чўпон бола ҳам, бричкада тўгондан ўтиб кетаётган ер ўлчовчи ҳам, сайр килиб юрган жаноблар ҳам — хаммаси кун ботишига караб, бу манзаранинг гўзаллигига бир огиздан тан беради, бироқ бунинг гўзаллиги нимадан иборатлигини ҳеч ким билмайди ҳам, ҳеч ким айтиб беролмайди ҳам.

Арман кизининг гўзаллигини ёлғиз мен эмас, хотин-кизларга ва табиий манзараларга бепарво саксонга кирган чол бобом ҳам пайкади; у Машага бир пас махлиё бўлиб колди-да:

— Бу сизнинг кизингизми, Авет Назарич? — деб сўради.

— Кизим, ха. Менинг кизим... — деб жавоб берди хўжайин.

— Яхши киз экан, — деди бобом.

Арман кизини кўрган рассом жуда бежирим, антика гўзал деб айтарди. Бу кизнинг хуснига бир назар ташласангиз, худо билсин, кўнглингизга бутун сохти тўгри, сочи, кўзи, бурни, огзи, бўйни, кўкрак ҳамда ёш баданининг барча хатти-харакатлари бир-бирига монанд ва уни яратишда табиат ҳеч қандай хато қилмаган, деган фикр келади; негадир энг гўзал хотинларнинг бурни худди Машаники сингари тўгри ва хиёл кирра бўлиши, коп-кора шахло кўз, киприклари шундай узун, бокишлари хумор бўлиши керак; унинг коп-кора жингалак сочлари ва кошлари ҳам мулойим, оппок манглайи ва юзига худди сокин анхор бўйидаги кўм-кўк камишдай ярашиб турибди; Машанинг оппок бўйни ва яхши етилмаган нозик кўкрагини тасвирлаш учун жуда катта ижодий талантга эга бўлиш керак. Унга караб турсангиз ёкимли, самимий, худди унинг ўзи сингари гўзал бир гап айтишни кўнглингиз тусаб қолади.

Машанинг менга бутунлай эътибор бермай, ерга караб туриши дастлаб менга алам қилди ва хийла изза бўлдим. Гўё аллақандай бир бахтиёр ва мағрур хаво уни мандан ажратиб турар ва рашк билан уни менинг назаримдан химоя қиларди.

«Хамма ёгим чанг бўлгани, офтобда қорайиб кетганим, ўзим ҳам ёш бўлганим учун шундай қияпти» деб ўйладим.

Аммо, бора-бора мен ўз тўғримда ўйлашни унутиб, бу гўзалга бутунлай махлиё бўлиб қолдим. Энди чўл азоблари, чанг-тўзонларни ҳам унутдим, пашшаларнинг гувуллаши ҳам қулогимга қирмай қолди, чойнинг ҳам мазасини сезмадим, фақат столнинг нарёгида турган чиройли кизни сезардим, холос.

Мен гўзалликка галати бир тарзда махлиё эдим. Маша менда на орзу, на шавк-завк ва на хузур-халоват кўзгади, аксинча, ёкимли бўлса ҳам, огир бир маъюслик келтирди. Бу маъюслик худди галати туш қаби ноаник ва бетайин эди. Негадир мен ўзимга ҳам, бобомга ҳам, арманга ҳам, арман кизига ҳам ачиниб кетдим; қалбимда шундай бир туйғу бор эдики, гўё тўрталамиз ҳам ҳаётимиз учун муҳим ва зарур бўлган нарсани йўқотиб қўйганмиз-у, энди уни ҳеч қачон топиб бўлмайди. Бобом ҳам маъюс бўлиб қолди. Энди у ўтлок ва қўйлар тўғрисида гапирмай, индамай, ҳаёлга чўмиб, Машага караб ўтирарди. Чойдан кейин бобом ётди, мен эшик олдидаги зинапоёга чиқиб ўтирдим.

Бахчи-Салахдаги хамма уйлар сингари бу уй хам куннинг тигида; бу ерда на дарахт, на пеш айвон ва на соя бор эди. Арманнинг, олабуталар ўсиб, бир-бирига тутшиб кетган катта ховлиси, жазирама офтоб бўлса хам гавжум ва обод эди. Катта ховлининг у ер ва бу ерига тортилган пастаккина четан деворлардан бири ичида галла янчилмокда. Хирмоннинг ўртасига ўрнатилган хода атрофида катор боғланган ўн иккита от катта доира олиб, тўхтовсиз айланмокда. Отларни узун нимча ва кенг чалвор кийган бир украин хайдаб юрар, у камчисини ўйнатиб бакирар, гўё отларни чўчитмокчи ва ўзини кўрсатмокчи бўлар эди.

— А-ха-ха, хо ха, лаънатилар! А-ха-ха-хо... Ха, жонинг чуқкурлар! Кўркмас экансанлар? Тўрик, ок ва чавкар отлар нега нукул бир жойда айлантириб, бугдойпояни пайхонлашга мажбур килаётганларини тушунмагандек истар-истамас, зўрга юришар ва гўё ранжиб думларини силкишар эди. Шамол отларнинг туёғи остидан булут сингари кўтарилаётган сап-сарик олтиндай тўпонларни хавога учуриб, четан девордан нарига, олис-олисларга олиб кетарди. Баланд янги гарам олдида кўлига хаскаш ушлаган аёллар гимирлар ва шу ерда келаётган аравалар хам кўринарди; шу гарамнинг нариёғида, бошка ховлида, яна бир тўда от хода атрофида айланмокда эди; бу отларни хам боягидака бир украин камчилаб, уларга ўзини кўрсатмокчи бўларди...

Мен ўтирган зинапоялар кайнок эди; сийраккина панжаралар ва дераза ромларининг баъзи жойларидан иссиқдан ёғочнинг елими чикиб кетибди; зинапоялар ва дарча эшиклари остига тушиб турган сояда кизил кўнғизчалар катор тизилиб қолибди. Куёш менинг бошимни, кўкрагимни, белимни киздирар, лекин мен пайкамай, факат оркамдаги соя жойда ва уйлардаги тахта полда ялангоёк юрганларни сезардим. Маша чойнак-пиёлаларни йиғиштириб, югурганича зинадан тушиб, ўз шамоли билан мени елпиб кетди, у худди кушдай учиб бориб, тутундан саргайиб кетган кичик бир бостирмага кирди, у ер ошхона бўлса керакки, кўй гўшти ковордогининг иси анкиб, арманча сўзлар каттик-каттик эшитилиб турарди. Маша гойиб бўлиши билан юзлари кип-кизил, чалвор кийган букчайган бир арман кампир кўринди. Кампир жахли чикиб бировни каргарди. кўп ўтмай остонада Маша кўринди, ошхона иссигидан юзлари кизариб кетган, елкасига катта буханка кора нон кўйиб олганди; Маша нон огирлигидан нозик нихолдай эгилиб-букилиб гириллаганча ховлидан хирмон томон кетди, лип этиб четан девордан ўтди ва булутдай кўтарилган тилла ранг тўпонга шўнгиб, аравалар оркасида кўздан гойиб бўлди. Бугдой янчаётган украин камчисини ерга тушириб, жим бўлиб колди ва бир пас шу зайилда аравалар томон тикилиб колди, кейин арман кизи яна отлар олдидан йўргалаб бориб, четан девордан хатлаб ўтгунча уни кузатиб, кейин ранжигандай, отларга:

— Ха, жонинг чиккурлар! — деб бакирди. Шундан кейин мен кизнинг кадам товушларини эшитиб, жиддий ва ташвишли бир киёфада ховлида у ёқдан бу ёқка югуриб юганини кўриб ўтирдим. Маша ўз шамоли билан мени елпиб зинадан югуриб тушар, дам-бадам ошхонага, хирмонга, дарвоза томонга гириллаб ўтар, мен бўлсам олазарак бўлиб уни зўрга кузатиб турардим.

Киз кўз олдимда хуснини намоиш килган сари менинг маъюслигим орта борарди. Мен, ўзимга хам, кизга хам, у хар сафар булутдай кўтарилган галла тўпони орасидан арава томонга югуриб ўтган пайтда тикилиб турган украинга хам ачиниб кетдим. Мен унинг хуснига хасад киялпманми, ёки бу киз меники бўлмагани учун ва ҳеч қачон меники бўлмаслиги учун ва мен унга бегона бир одам бўлганим учун афсус киялпманми, ёки унинг нодир гўзаллиги тасодифий ва кераксиз бир нарса хамда ер юзидаги барча

нарсалар сингари бокий эмас, деб безовта бўляпманми, ё бўлмаса, менинг маъюслигим хакикий гўзални кўриш билан кишида пайдо бўладиган айрим бир туйгуми эканини билолмас эдим!

Шу зайилда уч соат ўтиб кетганини билмай колдим. Мен Машани тўйиб кўролмагандек эдим. Карпо анхорга бориб, отларни чўмилтириб келибди, мана энди аравани ҳам кўшяпти. Чўмилтирилган от хузур килиб пишкирар ва туёклари билан шотини такиллаиб кўярди. Карпо унга «но!» деб бакиради. Бобом уйкудан турди. Маша бизга дарвозани гикиллатиб очиб берди, биз аравага ўтириб, ховлидан чикиб кетдик. Биз худди бир-биримиздан аразлагандай индамай борар эдик.

Орадан икки-уч соат ўтгач, узокдан Ростов хамда Нахичеван кўрингандан кейин, гик этмай келаётган Карпо ярк этиб бизга ўгирилиб:

— Арманнинг рост кизи бор экан-да! — деди-да, отларга камчи босди.

Бошка бир сафар, студентлик вақтимда, темир йўлдан жанубга караб кетаётган эдим. Май ойи эди. Стантсиялардан бирида, чамаси Белгород билан Харьков ўртасида бўлса керак, платформани бир айланиб келай деб, вагондан чикдим.

Стантсия богчаси, платформа ва далаларга кеч кўланкаси ястанган эди; вокзал биноси ботаётган кунни тўсиб турар, аммо паровоздан чикаётган пага-пага тутун хавога кўтарилиб, ним пушти рангга беланиб кўринишидан хали кун ботиб кетмагани билинар эди.

Платформада у ёк бу ёкка юриб, бундай карасам, сайр этиб юрган йўловчиларнинг кўпчилиги факат битта иккинчи класс вагони олдига тўпланишарди ва уларнинг чехрасида «бу вагонда аллакандай бир машхур одам бор» деган маъно акс этиб турарди. Бу вагон олдида турганлар орасида, буни каранги, менинг йўлдошим — зийрак артиллерия офитсери хам бор экан; унинг йўлда тасодифан танишиб, тезда ажрашиб кетиладиган хамма одамлар сингари ёкимтой ва истараси иссиқкина эди.

— Бу ерда нимани томоша кияпсиз? — деб сўрадим.

У хеч қандай жавоб кайтармай, кўзлари билан бир кизнинг коматига ишора килиб кўйди. Бу ўн етти ё ўн саккизларга кирган ёшгина киз эди; кийим-кечаклари русча, бошланг ва бир елкасига мантилка ташлаб кўйибди, ўзи йўловчи эмас, чамамда, стантсия бошлигининг кизи ёки синглиси бўлса керак. Киз вагон дарчаси олдида бир йўловчи кампир билан гаплашиб турар эди. Мен хозир кўриб турган киз тўгрисида бирон фикрга келмасимданок, бир вақтлар арман кишлогида дуч келган гўзални кўрганимдаги сингари туйгу бутун вужудимни чулгаб олди.

Киз чиндан хам бенихоят гўзал эди, бунга менда хам ва мен билан бирга кизни томоша килиб турган кишиларда хам шак-шубха йўк эди.

Агар бу кизнинг сиртки кўринишини одатдагича қисмларга бўлиб тасвир этиш жоиз бўлса, хакикатан ундаги энг гўзал нарса факат жингалак, калин малла сочи ва бошига хурпайтириб боглаган кора лентаси эди; колганларининг хаммаси келишмаган, ё бўлмаса жуда содда эди. Ноз-карашма учунми, ёки узокни илгамаслиги учунми кўзларини сузиб турарди. Бурни хиёл чўччайган, огзи кичкина, ёнидан караганда кўримсиздай, ёшига караганда елкалари хиёл торрок эди, шундай бўлса хам бу киз чинакам гўзалдай таассурот колдирарди; мен унга караб рус кизининг чиройли кўриниши учун юз тузилиши тўппа-тўгри бўлиши шарт эмас экан, деган фикрга келдим. Чамамда кизнинг чўккайган бурни ўрнига арман кизиники сингари кирра бурун кўйилса, чехрасидаги гўзаллик йўқолар эди.

Гўзал киз вагон деразаси олдида кечки шабнамдан жунжиб гаплашиб туриб, гоҳ биз томонга караб кўяр, гоҳ икки кўлини белига тираб олар, гоҳ сочларини тўгрилаш учун кўлларини бошига кўтарар, гапирар, кулар, чехрасида гоҳ хайрат, гоҳ дахшат аломатлари акс этар ва мен унинг бадани хамда чехраси бир он тинч турганини кўрмадим. Ундаги гўзалликнинг бутун сири ва сеҳри мана шу майда, ниҳоятда нозик харакатлар, жилмайиш, юз харакатлари, биз томонга тез-тез назар ташлашлар, бу нозик харакатларнинг ёшлик, маъсумлик, софдиллик билан мос келишида, кулган ва гапирган чогларидаги майинликда эди; унинг бутун киликлари, бизга ёкадиган ёш болалар, паррандалар, ёш кийиклар ва ёш дарахтлар сингари нозик эди.

Унда парвона гўзаллиги бор эдики, богларда гулдан гулга учиб-кўниб, ўйнаб-кулиб, хурсанд бўлиб юришгина ярашар, жиддий ўй, кайгу-хасрат ва бир ерда жим туриш унга муносиб эмасди; бу нозик вужуднинг бирдан сўлиб қолиши ва ноз-карашмаларнинг худди гул чангидай сочилиб кетиши учун платформани яхшигина шамол елпиб ўтиши ёки ёмгир томчилаши кифоядек эди.

Иккинчи кўнгирокдан кейин биз ўз вагонимизга караб жўнаганимизда:

— Шундай... — деб гўлдиради офитсер, чукур нафас олиб.

Нега «шундай» деб кўйганига тушунолмаман.

Ехтимол, гўзал кизнинг ёнидан, баҳор окшомидан узоклашиб, дим вагонга киргиси келмай уни кайгу-хасрат босгандир, эхтимол, у хам менга ўхшаб гўзал кизга, ўзига, менга ва оёқлари тортмасдан, ўз вагонларига судралиб кетаётган хамма йўловчиларга ниҳоятда ачиниб кетгандир. Офитсер стантсия деразалари олдидан ўтиб кетаётган пайтда, ичкарида бир рангпар, малла соч телеграфист ўз аппарати ёнида ўтирган эди; унинг жингалак сочи хурпайган, ранги ўчган, ёнок суяклари туриб чиккан эди, офитсер ўшанга караб туриб ух тортди ва:

— Гаров ўйнаман, мана шу телеграфист ўша нозанини яхши кўради — деди. — Дала жойдаги ёлғиз уйда шундай париваш билан бирга ўтириб, унга ошик бўлмаслик учун ниҳоятда кучлик ирода керак. Ох дўстим, кадди-комати кўримсизгина бўлса хам, рисоладаги одам бўла туриб, ўзини сарик чакага олмайдиган чиройликкина ва енгилтак бир кизга ошик бўлиш нақадар бахтсизлик, нақадар кулгили! Ундан хам ёмони шуки, бу телеграфист кизни яхши кўриб колган, бунинг устига хотини хам бор ва хотини хам худди ўзига ўхшаган кўримсизгина бўлса хам рисоладаги аёл... Бу холнинг турган-битгани азоб!

Бизнинг вагонимиз олдида майдончанинг панжарасига суяниб ўша нозанин томонга караб кондуктор турар-ди; унинг хоргин, салки, уйкусиз кечалар хамда вагондаги урунишлар туфайли толган лўппи юзида гам-гусса ва маъюслик акс этмокда эдики, гўё у ўша гўзал киз сиймосида ёшлиги, бахти, тетиклиги, покизалиги, хотин бола-чакаларини кўраётгандай, гўё бу киз уники бўлмагани учун ўзи билан оддий одамлар, йўловчилар бахти орасида, унинг барвакт қариб колган, беўхшов ва лўппи юзлари орасида ер билан осмонча фарк борлигига ўксинар хамда уни бутун вужуди билан хис этар эди.

Учинчи занг урилди, хуштак чалинди ва поезд аста кўзгалди. Бизнинг ойнадан дастлаб кондуктор, стантсия бошлиги, кейин бог хамда ажиб бир киёфада боладай илжайиб турган гўзал киз лип этиб ўтди...

Мен вагондан бошимни чиқариб, оркага қарадим, гўзал киз поездни кузатиб, телеграфист ўтирган хона деразаси олдидан платформа бўйлаб ўтди-да, сочларини тўгрилаб, гириллаганича бокка кириб кетди. Энди гарб томонни вокзал бинолари тўсиб турмас, сайхонлик очик, аммо кун ботган ва пага-пага бўлиб буркираётган коп-кора тутун

кўк духоба сингари мавж уриб турган кузги экинлар узра ёпилмокда эди. Бахор хавоси хам, корайиб бораётган осмон хам, вагон ичи хам гамгин эди. Вагонимиз кондуктори кириб, шамларни ёка бошлади.

А. Алиев таржимаси